

Куч – адолатда

Аدل ила олам юзин обод қил!

2023 йил
7 апрель,
жума
№ 17-18 (948)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

● <http://www.kuch-adolatda.sud.uz>

● 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 6 апрель кун табиатни муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар тақдимоти билан танишди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маъмурий ислохотларга мувофиқ, Табиат ресурслари вазирлиги ташкил этилган эди. Ҳозирги кунда бу соҳада долзарб вазифалар жуда кўп.

Табиий муҳитни асраб-авайлаган ҳолда, кўриқхона ва питомникларда экотуризмни, ов ҳўжалиқларида овчилик туризмни ривожлантириш мумкин. Шу боис табиат масканларига сайёҳларни жалб қилиш, ёввойи ҳайвонларни кўпайтириш учун питомниклар ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Президент сув, ҳаво, ер ва еросоти бойликларини муҳофаза қилиш

масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Хусусан, 500 дан зиёд корхонада сув тозалаш иншооти стандартга жавоб бермайди, баъзиларида умуман йўқ. Компенсация миқдори камлиги сабабли, бундай технология ўрнатишдан кўра, компенсация тўлаш фойдали бўлиб қолган. Шу боис меъёрдан ортқча оқова учун компенсация тўловини ошириш таклифи билдирилди. Давлатимиз раҳбари экологик назорат инспекцияси фаолиятини йўлга қўйиш бўйича топшириқ берди.

Жумладан, юртимизда йилига 7 миллион тонна маиший чиқинди ҳосил бўлаяпти. Шундан фақат 2 миллион тоннадан зиёди қайта ишланади. Қолган чиқиндилардан пайдо бўлаётган иссиқхона гази ва сизот сувлар табиатга зарар етказаяпти.

Оҳангарондаги эски полигонда чиқиндидан 15 Мегаватт электр энергияси олиш лойиҳаси бошланган. Давлатимиз раҳбари бу тажрибани кенгайтириб, бошқа полигонларда ҳам чиқиндини қайта ишлаш ва муқобил энергия олишни йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

Ўрмон ҳўжалигида дарахт билан қопланган ҳудудлар атиги 8 фоиз экани, албатта, етарли эмас. Кўчатчиликни ривожлантириб, чўлларда 221 минг гектар, тоғ ҳудудида 15 минг гектар ўрмонлар барпо қилишга имконият борлиги қайд этилди.

Бунда, ўрмончилик соҳасини ривожлантириш ҳамда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини амалга оширишда тубдан янги тизимни жорий этишга кўрсатма берилди. Жумладан, боғ ва ўрмонларни бар-

по этиш марказий молиялаштирилган манзилли дастур асосида амалга оширилиши қатъий белгиланди.

Гидрометеорология йўналишида автоматлашган метеорологик станцияларни кўпайтириш, гидрологик ўлчов ускуналарини автоматлаштириш, агрометеорологик хизмат бўйича мобиль иловани ишга тушириш чоралари белгиланди.

Бундан ташқари, ҳар бир туман ва шаҳарларда атмосфера ҳавоси ифлосланишини мониторинг қилиш учун автоматлашган кичик станциялар ўрнатилди. Шунга асосан, ҳудудларнинг ҳаво тозаллиги рейтингини шакллантирилиб, мансабдор шахслар ишга баҳо бериб борилади.

ЎЗА

Олий Мажлис Сенатининг ўттиз еттинчи ялпи мажлисида “Педагог ходимларнинг хизмат вазифаларини бажаришига тўққинлик қилганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартирилари киритиш ҳақида”ги қонун маъқулланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан эсорий йилнинг 27 март кунини имзоланган ушбу янги қонун матбуотда эълон қилинди.

● Моҳият

Педагоглар фаолиятига тўққинлик қилиш бунинг учун жавобгарлик кучайтирилмоқда



Кейинги йилларда мамлакатимизда мажбурий меҳнатга барҳам бериш, айниқса, таълим ташкилотларининг педагог ходимларини ўз хизмат вазифалари билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш ҳолларига қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган қонун ҳужжатларини ҳамда уларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 4-бетда) ►

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2023 йил 6 апрель кунини Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар-

нинг вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисни Ўзбекистон Рес-

публикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг YouTube тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Ялпи мажлис кун тартибига

мувофиқ сенаторлар дастлаб “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонунни муҳокама қилди.

Таъкидланганидек, бугунги кунга қадар давлат ҳисобидан юридик ёрдам фақат жиноят ишларини юришда

кўрсатилиб, маъмурий ва фуқаролик ишларида назарда тутилмаган ҳамда юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни жалб этишнинг шаффоф механизми жорий этилмаган.

(Давоми 3-бетда) ►

30 АПРЕЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

Янги Ўзбекистоннинг истиқболи учун амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, авваломбор, инсон манфаатларига, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Янгилаётган Конституциямизнинг мазмун-моҳиятида шу юксак тамойил мужассамлашган

Бинобарин, референдумга қўйилаётган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳасида “Ўзбекистон – ҳуқуқий давлат”, деб белгиланмоқда.

Бу мақомнинг маъно-моҳияти шундаки, янгилаётган Конституция лойиҳасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг биринчи галдаги олий мақсади сифатида белгилаб қўйилмоқда.



Абдуҳалим ХОЛМАХМАТОВ,
Олий суд аппарати
раҳбари

(Давоми 5-бетда) ►



ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Янгилаётган Конституция лойиҳасида биринчи мартаба ҳар ким Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ, агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат этишга ҳақли экани белгиланмоқда. Бу муҳим янгилик фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси нафақат миллий қонунчиликда белгиланган нормалар, балки халқаро ҳуқуқ асосида ҳам ҳимоялашини таъминлайди.

Яқинда юртдошларимиз референдумда овоз берадиган ушбу Асосий қонун матнида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари шу каби бир қатор илғор нормалар билан кучайтирилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад, бир томондан, сўнгги йилларда айтиш мумкин эришган ютуқларимизни Конституцияда муҳрлаб қўйиш бўлса, иккинчи томондан, бугунги ва эртанги авлодлар олдида турган кўпдан-кўп муаммоларнинг одилона ечими сифатида мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворни – Ўзбекистоннинг янгилаётган Конституциясини тақдим этишдир.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал САИДОВ билан шу мавзуда суҳбатлашдик.

– Бугунги кунда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, бу борада конституциявий-ҳуқуқий, қонунчилик, институционал ва амалий кафолатларни мустаҳкамлаш йўлидаги туб янгиланиш ислохотлари изчил давом эттирилмоқда, – деди А.Саидов. – Бу фикримизни 2022–2026

йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида инсон қадрлиги ҳамда инсон ҳуқуқларини таъминлашда “ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” тамойилига асосланган истиқболдаги устувор мақсад ва асосий вазифалар белгилаб берилгани яққол тасдиқлайди.

Аҳамиятли жиҳати шунда-

ки, янгилаётган Конституция лойиҳасида “Ўзбекистон – ҳуқуқий давлат”, деб белгиланмоқда. Жумладан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади, дея эълон қилинмоқда. Бинобарин, инсон ҳуқуқлари оид конституциявий нормалар сони 3 баравардан орттиққа ошмоқда.

(Давоми 2-бетда) ►

Мезон



Кредит шартномаси мажбуриятлари бажарилмаса томонлар ҳам, иқтисодиёт ҳам зарар кўради

Мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ҳамда мавқеи тобора ортиб бормоқда. Тадбиркорлик ривожига банклар томонидан имтиёзли асосларда ажратилаётган кредит маблағлари алоҳида ўрин тутаяди. Чунки кредит маблағлари тадбиркорларга ўз фаолиятини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратишда муҳим омили бўлмоқда.

Энг муҳими, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли кредит маблағлари ажратиш кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Бироқ амалиётда айрим тадбиркорлик субъектларининг кредит шартномасида белгиланган мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармас-

(Давоми 4-бетда) ►

Тарих тилсимлари

ОҚСАРОЙ АСЛИДА ҚАНДАЙ БЎЛГАН?

Соҳибқирон Амир Темур улкан салтанат асосчиси, мохир саркарда, бунёдкор ва маърифатпарвар ҳукмдор сифатида тарихда ўчмас из қолдирган. Унинг ҳукмронлиги даврида мамлакат сарҳадлари кенгайиб, маданият ва санъат юксалган.

(Давоми 6-бетда) ►

Референдум ўтказувчи участка комиссияси аъзоларига қандай талаблар қўйилади?

Мамлакатимизда шу йилнинг 30 апрель кунини бўлиб ўтадиган сиёсий жараён – Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича референдумга қизгин ҳозирлик кўрилмоқда. Қонунчиликда белгиланган тартибда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича календарь режасига мувофиқ, барча чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Хусусан, айтиш мумкин кўп ҳудудларда тузилган референдум ўтказувчи участка комиссиялар аъзолари тасдиқланмоқда.

(Давоми 3-бетда) ►

◀(Бошланиши 1-бетда)

– **Инсон ҳуқуқлари соҳасида эришилган ютуқларни Конституцияда муҳрлаб қўйиш, деган тушунчани ҳаётий мисолларда мухтасар изоҳлаб берсангиз?**

– Бу ҳақда фикр юритганда, хусусан, 2022 йилда Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, гендер тенглик ва аёллар ҳуқуқи, болалар ҳуқуқи, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқи, мигрантлар ҳуқуқи, одам савдоси жабрдийдалари ҳуқуқи, озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётганлар ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари ва механизмлари кучайтирилганини алоҳида қайд этиш ўринли, деб ўйлайман. Яна бир муҳим ютуқ: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”даги вазифаларнинг 85 фоизи бажарилди.

Ўтган йил давомида халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя тизimini такомиллаштириш бўйича бераётган тавсияларининг бажарилиши доимий эътиборимиз марказида бўлди. Бу ўринда 2022 йилда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларнинг бажарилиши юзасидан Ўзбекистоннинг 3 та миллий маърузаси БМТ шартномавий қўмиталарида эшитилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

БМТ тегишли қўмиталарининг даврий маърузаларимиз бўйича тавсияларини амалга ошириш юзасидан Миллий ҳаракатлар режалари лойиҳалари ишлаб чиқилди. Бу ҳужжатлар Парламент палаталари Кенгашларининг 2022 йил 19 декабрдаги Қўшма қарори билан тасдиқланди ва ижрога қаратилди.

– **БМТ қўмиталарининг тавсиялари хусусида батафсилроқ тўхталмиш, яъни амалий мисоллар келтириш мумкинми?**

– **Биринчидан**, БМТ Хотин-қизларни камситишнинг барча шакллари барҳам бериш қўмитаси Ўзбекистоннинг Олтинчи миллий маърузаси юзасидан бир қатор тавсиялар берди. Жумладан:

- хотин-қизларни давлат ва хусусий соҳаларда камситишнинг бевосита ва билвосита, шунингдек, аралаш шакллари қарши қонун ҳужжатларини қабул қилиш;
- хотин-қизлар иштироки пастроқ бўлган барча соҳалар, давлат ва хусусий сектор, этник озчилик гуруҳларга мансуб ва ногиронлиги бўлган хотин-қизларга алоҳида эътибор қаратилиб, гендер тенгликка эришиш стратегияси сифатида вақтинчалик махсус чораларни қабул қилиш ва амалга ошириш;
- қонун ҳужжатлари оиладаги зўравонлик учун жиноий жавобгарликни белгилловчи ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, жабрланганларнинг ҳуқуқини муҳофаза қилиш органлариغا мурожаат қилиши зарурлиги тўғрисида хабардорликни ошириш ишларини фаоллаштириш;
- тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳимоя қилиш хизматини, жумладан, туну кун ишлайдиган “Ишонч телефонлари”, яшаш жойи, тиббий хизмат, руҳий ижтимоий маслаҳат ва иқтисодий ёрдам орқали кучайтириш тавсия қилинди.

Иккинчидан, БМТнинг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар қўмитаси томонидан Учинчи миллий маърузамизга тавсиялар берилди. Хусусан:

- фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари хусусий компаниялар томонидан бузилгани учун қонуний жавобгарликка тортиш чораларини кўриш, жабрланувчиларни тегишли ҳимоя воситалари билан таъминлаш;
- ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлик, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлардан фойдаланишини таъминлаш чораларини кўриш, барча даражадаги инклюзив таълимни таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларини кучайтириш ҳамда ўқитувчи ва педагогларнинг тегишли тайёргарлигини таъминлаш;
- квоталар тизимини мустаҳкамлаш ҳамда аёллар, айникас, ҳудудларда раҳбарлик ва қарор қабул қилиш билан боғлиқ лавозимларни эгаллаши даражасининг етарли эмаслиги муаммосини ҳал қилиш чораларини кўриш;
- қишлоқ ҳудудларидаги ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли гуруҳларининг сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиши имкониятини кенгайтириш тавсия қилинганини қайд этиш лозим.

Учинчидан, БМТнинг Бола ҳуқуқлари бўйича қўмитаси Бешинчи миллий маърузамизга ўз тавсияларини тақдим этди. Бу ўринда, жумладан:

• чекка ҳудудлар ва иқтисодий но-чор оилаларни интернет билан таъминлаш жараёнига алоҳида эътибор қаратиш, шунингдек, болалар, ўқитувчилар ва оилаларнинг рақамли саводхонлиги ҳамда кўникмаларини ошириш;

• назоратсиз болалар тўғрисида маълумотлар йиғишни йўлга қўйиш, уларни ҳимоя қилиш, соғломлаштириш ва уларга ёрдам беришни таъминлаш, одам савдоси, иқтисодий ва жинсий эксплуатация қурбони бўлишининг олдини олиш механизмларини кучайтиришга оид тавсиялар ҳақида сўз бормоқда.

Бундан ташқари Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенция қоидаларини бажариш бўйича Миллий маъруза 30 та давлат органи ҳамда 10 дан ортиқ фуқаролик жамияти институти иштирокида тайёрлан-

– **Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенция асосида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари ижроси мониторинги тафсилотлари қандай?**

– Бу борадаги ўрганишлар 2022 йил октябрида Тошкент ва Фарғона вилоятида амалга оширилди. Мониторинг яқунлари бўйича мазкур вилоятларда айрим камчиликларга йўл қўйилгани аниқланди.

Жумладан, мутасадди кадрларнинг малакаси ва фуқароларнинг хабардорлигини ошириш юзасидан тегишли чоралар кўрилмаган. Тошкент вилоятида хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик содир этилганлиги тўғрисидаги мурожаатлар ўз вақтида кўриб чиқилган, жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш чора-тадбир-

мақсадида бир қанча мониторинг ташрифлари амалга оширилди. Хусусан, 2022 йил 14 май кун Туркияга шундай ташриф доирасида Миллий марказ ва Омбудсман вакиллари ҳамда Ўзбекистоннинг Истанбулдаги Бош консули иштирокида ушбу мамлакатда яшаётган фуқароларимиз учун қабул ташкил этилди.

Айни шу мулоқот давомида 30 нафардан ортиқ фуқаро билан оффлайн, 60 нафардан зиёд юрдошимиз билан онлайн мулоқот уюштирилди ва улардан 36 та мурожаат қабул қилинди. Мурожаатларнинг 12 таси – ҳужжатларни тиклаш, 8 таси – фарзандларини мактабга жойлаштириш, 16 таси – доимий рўйхатдан ўтишга қўмақлаштириш тўғрисида бўлиб, мурожаат қилганларга бевосита Консулхона вакиллари билан бирга юридик ёрдам кўрсатилди.

вофик, “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмнинг қонуний асосларини такомиллаштиришга қаратилган қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди. Қонун лойиҳаси қийноқ ҳолатларини олдини олишнинг амалдаги механизмларини такомиллаштириш ва янги механизмларни жорий этишга қаратилган.

Шу асосда Жиноят-ижроия кодексини “Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олиш бўйича Миллий превентив механизми” деб номланган 41-боб билан тўлдириш кўзда тутилмоқда. Ушбу бобда миллий

сида таълим ва тарбия тўғрисидаги декларацияси қоидаларини амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 мартдаги қарори билан Инсон ҳуқуқлари бўйича ахборот-кутубхона маркази – “Инсон ҳуқуқлари уйи” ташкил этилди.

Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 76-сессияси ва Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгагининг 46-сессиясида илгари сурган ташаббуси асосида 2022 йил 5-6 декабрь кунлари Самарқанд шаҳрида “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” Глобал форуми ташкил этилди. Глобал форумда 120 нафардан ортиқ халқаро эксперт ва 2 минг нафардан зиёд миллий мутахассис иштирок этди.

Глобал форумнинг яқунлари юзасидан Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни ривожлантириш бўйича Самарқанд ҳаракатлар режаси қабул қилинди. Ушбу ҳужжат кунга кеча БМТ Бош Ассамблеяси 77-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.

Ўзбекистон Президентининг 2023 йил 7 февралдаги қарори билан Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастури ва унинг “Йўл харитаси” тасдиқланди. Дастурда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни такомиллаштиришга тизимли ёндашилиб, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини ривожлантиришга қаратилган 7 йўналишдаги 30 банддан иборат тадбир назарда тутилган.

Шу асосда жорий йил 20-28 февраль кунлари “Инсон ҳуқуқлари ҳафталиги” доирасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 500 га яқин турли тадбирлар амалга оширилди, инсон ҳуқуқлари оид давра суҳбатлари, очик мулоқотлар, конференциялар ўтказилди. Масалан, биргина 20 февраль кунга ўтказилган “Инсон ҳуқуқлари – олий қадрият” мавзусидаги видеоконференцияда 2 минг нафардан ортиқ ёшлар иштирок этди.

– **Конституциявий ислохотларда Миллий марказнинг иштироки амалда нималарда намойён бўлди?**

– Мамлакатимизда амалга оширилаётган конституциявий ислохотлар ўзининг ҳал қилувчи палласига кирди. Шу муносабат билан бўлажак референдум мавзуси кенг жамоатчилигимиз ва халқаро ҳамжамиятнинг диққат эътиборида бўлиб турибди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, янгилаётган Конституция лойиҳасига Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятлари мувофиқ ўз хулосасини ишлаб чиқди. Шунингдек, аёллар, болалар, ёшлар, ногиронлиги бўлган шахслар, нуронийлар, мигрантлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш бўйича тавсиялар тақдим қилинди.

Мазкур хулоса ва тавсияларни шакллантириш мақсадида халқаро ташкилотлар ва экспертлар, фуқаролик жамияти вакиллари иштирокида Миллий марказ томонидан 10 дан ортиқ халқаро форум ва маслаҳатлашувлар ўтказилди. Лойиҳа юзасидан БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий коммиссари Бошқармасининг шарҳ ва тавсиялари олинди.

Миллий марказ тавсияларида БМТ Устави, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, БМТнинг Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт нормалари ва бошқа халқаро стандартларни янгилаётган Конституция матнига киритиш ҳақида сўз боради. Бундай ёндашувимизда инсон ҳуқуқлари тааллуқли жаҳон андозалари конституциявий мақом берилишига эътибор қаратилди.

Шу йўсинда ўлим жазоси тақиқланиши, “Хабеас корпус” институти, айбисизлик презумпцияси принципи, “Миранда қоидалари”, эркин ҳаракатлиши, турар ва яшаш жойини эркин танлаш, мамлакатдан ташқарига чиқиш ва унга қайтиш ҳуқуқи каби қатор инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларга оид ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш назарда тутилди. Эътиборли томони шундаки, янги Конституция лойиҳасида айни шу халқаро стандартлар тўлиқ акс этган.

Хулоса қилиб айтганда, референдумда овоз бериладиган янгилаётган Конституциямиз лойиҳасида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонунлар, ҳар бир вазирилик ва идора фаолиятининг мазмунига айланши қатъий талаб сифатида белгила-натий. Бу ўта муҳим мезон, Ўзбекистон Президенти уқтирганидек, “давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг фақат ва фақат фуқароларнинг манфаатларини қўллаб-қувватлашга қўрсатишга асос бўлади”.

Гулном МИРЗО суҳбатлашди.

30 АПРЕЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ



ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

ди. Унинг матни Вазирлар Маҳкамаси билан келишилди, Парламент комиссиясида муҳокама қилинди ҳамда 2022 йил октябрда БМТнинг Ирқий камситишни тугатиш қўмитасига юборилди.

– **Миллий марказнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги мониторинг билан боғлиқ фаолияти натижалари ҳақида қандай маълумотлар бера оласиз?**

– Ўтган йилда жойларда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномалар бажарилишини ўрганиш мақсадида 4 та халқаро ва миллий қонунчилик мониторинги ўтказилди. Аввало, 2022 йил май ойида Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция бажарилиши ҳолати мониторинг қилинганига тўхталмоқчиман.

Мониторинг натижасида ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ бир қатор муаммолар аниқланди. Яъни:

- ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган иш берувчиларни моддий қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмлари йўлга қўйилмаган;
- олий таълим муассасаларида ногиронлиги бўлган шахслар муостақил ҳаракатланиши учун қулай эмас;
- таълим муассасаларида Брайл алифбосидаги дарсликлар етарли эмас;
- метро ва автобус бекатларини қуриш бўйича лойиҳа ҳужжатлари қулай жисмоний муҳитни яратиш бўйича ногиронлар жамоат ташкилотлари томонидан экспертизадан ўтказилмаган.

Мониторинг натижасида аниқланган ана шу муаммоларни ҳисобга олган ҳолда, дастлабки Миллий ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилди ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши ва Олий Мажлис Сенати Кенгашининг қўшма қарори билан тасдиқланди.

Янада муҳими, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 февралдаги “Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан мазкур мониторинг натижасида ишлаб чиқилган тақлифлар ҳисобга олинди. Яъни ушбу ҳужжатда ногиронлиги бўлган шахсларга бепул тиббий, юридик ва бошқа хизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ҳамда шарт-шароитини яхшилаш назарда тутилди.

Ўз навбатида, жорий йил 28 июлда БМТ Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича қўмитасига Ногиронлар ҳуқуқи тўғрисидаги конвенция қоидаларини бажарилиши юзасидан Ўзбекистоннинг Биринчи миллий маърузасини топшириш режалаштирилган.

лари самараси паст. Фарғона вилоятида ваколатли органлар ва ташкилотлар ўртасида хотин-қизларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан тезкор ахборот ал-машиниш тизими йўлга қўйилмаган.

Ана шу камчиликларни бартараф этишга қаратилган хулоса, тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, 2022 йил 31 октябрда Вазирлар Маҳкамасига киритилди. Мазкур хулосалар Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенция бажарилиши бўйича Миллий ҳаракатлар режасини ишлаб чиқишда ҳам ҳисобга олинди.

– **Миллий марказ жазо муддатини ўтаётган маҳкумларга яратилган шарт-шароитни ҳам ўрганаётми?**

– Ўтган йил апрель ойида Тошкент вилоятида ва октябр ойида Навоий вилоятида жойлашган жазони ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳкумларга яратилган шарт-шароитни ўрганиш бўйича мониторинг ташрифлари амалга оширилди. Шу аснода қуйидаги камчиликлар аниқланди:

- 1 ва 2-гуруҳ ногиронлиги бўлган маҳкумларнинг айримларида жазони ўтатишга тўқинлик қиладиган доимий даволанишга муҳтож касалликлар мавжуд бўлиб, мазкур касалликлар “Маҳкумларни касаллиги туфайли жазони ўташдан озод қилишга тақдим этиш учун асос бўладиган касалликлар рўйхати”га киритилмаган;
- муассасалардаги даволаш пунктларининг моддий-техника базаси лозим даражада эмас, шунингдек, улар ногиронлиги бўлган шахслар фойдаланиши учун мослаштирилмаган;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси – “lex.uz”, шунингдек, “advise.uz” ҳуқуқий ахборот порталидан фойдаланган ҳолда маҳкумларга керакли ҳуқуқий ахборотни тақдим этиш имкониятини яратиш лозим.

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли ва-зирлик ва ташкилотларга тавсиялар киритилди. Мониторинг хулосалари асосида Жиноят ижроия кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, “Жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахслар учун давлат хизматлари, шу жумладан, нотариат хизматларини электрон шаклда кўрсатиш тўғрисида”ги қарор лойиҳаси бўйича тақлифлар тегишли тартибда тақдим қилинди.

– **Мигрантлар ҳуқуқлари ҳимоясига нечоғлиқ эътибор қаратилмоқда?**

– Хорижий мамлакатларда Ўзбекистон фуқаролари, жумладан, меҳнат мигрантлари ҳуқуқларининг ҳимоя қилингани ҳолатини ўрганиш

Бундан ташқари 2022 йил 31 октябр – 2 ноябрь кунлари Миллий марказ, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, Ички ишлар ва Ташқи ишлар вазирлиги ходимлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари билан иборат делегация Қозғоғистонга мониторинг ташрифини амалга оширди. Бу жараёнда меҳнат миграцияси соҳасидаги ҳукуматлараро битимнинг бажарилиши таҳлил қилинди.

Мониторинг ташрифидан давомида Қозғоғистоннинг Остона, Олмаота ва Усть-Коменогорск шаҳарларида меҳнат мигрантлари сифатида фаолият кўрсатаётган 130 нафар Ўзбекистон фуқароси билан Ташқи миграция агентлигининг мазкур шаҳарлардаги ходимлари иштирокида учрашувлар ўтказилди. Учрашувларда 20 тага яқин мурожаат қабул қилиниб, 9 нафар фуқарога ҳужжатларини тиклаш, 7 нафарига доимий рўйхатдан ўтказиш бўйича юридик маслаҳатлар берилди.

– **Халқаро шартномаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш йўналишидаги ишлар қандай натижалар бермоқда?**

– Ўтган йили инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро шартномаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш доирасида 95 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат, жумладан, 58 та қонун, Президентнинг 10 та фармони ва 5 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 20 та қарори лойиҳалари инсон ҳуқуқлари бўйича нормаларга мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказилган. Ушбу меъзёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича 230 дан ортиқ тақлиф билдирилган.

Халқаро мажбуриятлардан келиб чиқиб, қийноққа солишдан жабрланган шахсларга етказилган зарарни компенсация қилиш ҳуқуқий тартиби белгиланди. Бунда 2022 йил 29 март кунга қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига қийноққа солишдан жабрланганларга етказилган зарарни қоплаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳим аҳамият касб этди.

Ушбу қонунда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суд томонидан ҳар қандай қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш натижасида фуқарога етказилган зарар мансабдор шахснинг айбидан қатъий назар, давлат томонидан тўлиқ ҳажмида қопланиши белгиланди. Шунингдек, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси ва Қийноққа қарши қўмитаси тавсиялари му-

превентив механизм иштирокчилари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мониторинг ташрифлари яқунлари бўйича тавсиялар тақдим этиш тартиби ва бошқа масалалар ўз аксини топган. Қонун лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига киритилган.

– **Халқаро ҳамкорлик алоқалари тўғрисида ҳам қисқача тўхталсангиз.**

– Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро ва минтақавий тузилмалар, хорижий мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлари билан ҳамкорлик изчил ривожланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясида билдирган тақлифига мувофиқ, 2022 йил 14 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан “Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришда парламентлар ролини кучайтириш тўғрисида”ги резолюция бир овоздан маъқулланди.

Резолюцияда COVID-19 пандемиясидан кейинги даврда ҳеч қандай эътибордан четда қолдирмасликни таъминлашда парламентларнинг муҳим ўрни қайд этилган. Жумладан, хотин-қизларнинг қонун чиқарувчи органлар ишида ҳамда парламент жараёнларида тўлиқ, тенг ҳуқуқли ва таъсирчан иштирокига қўмақлаштириш орқали барқарор ривожланиш мақсадларига эришишни жадаллаштиришга эътибор қаратилган.

Шунингдек, 2022 йил 4 октябрда бўлиб ўтган БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 51-сессиясида “Ёшлар ва инсон ҳуқуқлари” резолюцияси қабул қилинди. Ушбу ҳужжат 41 та давлат, шу жумладан, Ўзбекистон ташаббуси билан ишлаб чиқилган.

Миллий марказ ташаббуси билан Туркий давлатлар ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлари ва омбудсманлари ассоциацияси таъсис этилди. Туркиянинг Бурса шаҳрида 2022 йил 12 май кунги Миллий марказ ва Ўзбекистон Омбудсман иштирокида Ассоциациянинг меморандуми имзоланди.

Ўтган йили шунга ўхшаш яна 5 та Меморандум имзоланди. Бу ўринда Саудия Арабистонининг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси, Туркия Инсон ҳуқуқлари ва тенглик институти, Италия омбудсманлари кенгаши ҳамда Ислон ҳамкорлик ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил комиссияси билан халқаро ҳамкорлик муносабатлари доирасида тузилган ҳужжатларни назарда тутаялган.

– **Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни ривожлантириш йўлида қандай амалий қарарлар қўйилмоқда?**

– БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳа-

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Қолаверса, ушбу соҳани мувофиқлаштирувчи ягона органининг белгиланмаганлиги кам таъминланган фуқароларнинг Конституцияда кафолатланган малакали юридик ёрдамдан тўлиқ фойдалана олмаслиги, коррупциявий омиллар пайдо бўлишига олиб келиши билан бир қаторда, бюджет маблағларининг сарфланиши устидан самарали назорат ўрнатилишига ҳам тўққизинчи йилда қилинган ҳақиқатларни қайта баҳолаш зарур.

Муҳокама қилинаётган қонун билан ҳақиқатда қайд этилган муаммолар ўз ечимини топиши кўзда тутилмоқда.

Хусусан, қонун билан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишнинг асосий тамойиллари, ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, фуқароларнинг юридик ёрдам олишига бўлган ҳуқуқлари кафолатлари белгиланмоқда.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам олувчи шахсларнинг доираси ҳамда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиладиган ишлар рўйхатига фуқаролик ва маъмурий ишларни киритиш орқали фуқароларнинг бепул юридик ёрдам олиш имкониятлари кенгайтирилмоқда.

Шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этган ҳолда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиладиган адвокатларни инсон омилсиз электрон тизим орқали танлаш тартиби ҳамда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатлар реестрини юретишнинг очиқ ва шаффоф механизмлари жорий этилмоқда.

Сенаторлар таъкидлаганидек, мазкур қонун инсон ҳуқуқлари ҳимоясини янада кучайтириши, фуқароларга суд жараёнларида ишончли ҳимоя олишига амалиётдаги мавжуд муаммоларни бартараф этишига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Қонуннинг қабул қилиниши натижасида фуқароларнинг одил судловга эришиши даражаси янада ортади ва малакали юридик ёрдам олишга бўлган кафолатлари кучайтирилади, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишнинг шаффоф тартиби жорий этилади ҳамда Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар сарфланиши устидан самарали назорат ўрнатилди.

Муҳокама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялпи мажлисда “Жиноят кодексига коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Жиноят кодекси “коррупцияга оид жиноятлар” деган янги атамани билан тўлдирilib, унга кўра, Кодекснинг тегишли моддалари, қисми ва бандларида назарда тутилган қилмишлар коррупцияга оид жиноятлар, деб топилгани белгиланмоқда ҳамда ушбу жиноятлар учун жазони кучайтириш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, ушбу қонун билан Жиноят кодексининг тегишли моддаларига киритилаётган ўзгартиришлар орқали ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, фирибгарлик, солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлash учун ҳукм қилинган, бироқ жиноят оқибатида етказилган зарарни тўлиқ қопламаган шахсларга ҳамда пора олиш, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш жиноятларини содир этган шахсларга нисбатан жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ва жазони



воёга етмаганларга жинсий зўравонлик содир этган шахсларга нисбатан жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш ёки жазони енгилроғи билан алмаштириш тартибидан инсонпарварлик актири татбиқ этилмаслиги белгиланиб, бундай жиноятлар учун жазо чоралари янада оғирлаштирилмоқда.

Бундан ташқари, хотин-қизларга нисбатан шахвоний мазмундаги ҳаракатлар содир этганлик, таъқиб этганлик ҳамда ота-она ўз воёга етмаган болаларига вазий ёки ҳомий тайинлаш борасидаги мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Қонунчиликка киритилаётган асосий ўзгартиришлардан яна бири шундаки, амалдаги қонунчиликка кўра, номувжа тегиш ҳамда жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш каби жиноятларни квалификация қилишда жабрланувчининг ёши айбдорга аён бўлиши асосий мезонлардан бири бўлган бўлса, эндиликда ушбу қоида бекор қилинмоқда, яъни айбдорнинг жабрланувчининг ёшини билмаслиги уни Жиноят кодекси моддаларининг тегишли қисмларида назарда тутилган жавобгарликдан озод қилмайди.

Шу билан бирга, воёга етмаганларга нисбатан жинсий зўравонликни содир этган шахсларнинг болаларга таълим-тарбия бериш, шунингдек, болалар билан бевосита ишлашни назарда тутувчи фаолият турлари билан шугулланишини таъқиқлаш ҳамда бу турдаги жиноятларни содир этган шахсларнинг рўйхатини юретиш кўзда тутилмоқда.

Муҳокама якунида қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялпи мажлисда “Жиноят кодексига коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун ҳам кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Жиноят кодекси “коррупцияга оид жиноятлар” деган янги атамани билан тўлдирilib, унга кўра, Кодекснинг тегишли моддалари, қисми ва бандларида назарда тутилган қилмишлар коррупцияга оид жиноятлар, деб топилгани белгиланмоқда ҳамда ушбу жиноятлар учун жазони кучайтириш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, ушбу қонун билан Жиноят кодексининг тегишли моддаларига киритилаётган ўзгартиришлар орқали ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, фирибгарлик, солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлash учун ҳукм қилинган, бироқ жиноят оқибатида етказилган зарарни тўлиқ қопламаган шахсларга ҳамда пора олиш, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш жиноятларини содир этган шахсларга нисбатан жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ва жазони

енгилроғи билан алмаштириш каби нормалар қўлланилмайди.

Қонунга мувофиқ давлат органи ва ташкилотлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи, нодавлат нотижорат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш билан боғлиқ жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш белгиланмоқда. Киритилаётган ўзгартиришлар коррупцияга қарши муросасиз курашиш ҳамда ушбу иллат содир этилганда жазо муқаррарлигини таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Шунингдек, сенаторлар томонидан киритилаётган ўзгартиришлар коррупциявий жиноятларни аниқ белгилash ва ушбу турдаги жиноятларга қарши тизимли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, коррупциявий жиноятларнинг олдини олиш, коррупциявий жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан адолатли жазо белгиланишига ҳамда жиноят оқибатида жабрланганларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишига хизмат қилиши қайд этилди.

Муҳокама якунида қонун се-



наторлар томонидан маъқулланди.

Бундан ташқари, “Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг жазони ўташни давом эттириш учун топшириш тўғрисидаги Шартномани (Нур-Султон, 2021 йил 6 декабрь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун кўриб чиқилди.

Мазкур Шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 декабрь кунги Қозоғистон Республикасига қилган давлат ташрифи чоғида имзоланганлиги қайд этилиб, Шартномани ратификация қилиш орқали унинг кучга кириши мажмуларни топшириш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани шакллантириб, икки давлат ваколатли органларининг ушбу соҳадаги ўзаро ҳамкорлигини янада яхшилаши мумкинлиги таъкидланди.

Ушбу Шартнома билан Ўзбекистон ва Қозоғистон фуқароларининг суд томонидан тайинланган жазони ўз мамлакатда ўташ имкони берилмоқда.

Ҳужжатга кўра, мажмулар қонунда белгиланган тартиб-таомилларга мувофиқ келишарёган томонлар мурожаатлари

асосида топширилади.

Муҳокама давомида мажмулар жазони ўз юртида ўташи уларга яқин қариндошлари билан мунтазам кўришиш имкони яратиш билан бирга оилавий муносабатларга ижобий таъсир кўрсатиб, мажмуларнинг ижтимоий ҳаётга мослашишига ёрдам бериши қайд этилди.

Сенаторларнинг таъкидлашича, қонуннинг қабул қилиниши фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиришига хизмат қилади.

Муҳокама якунида сенаторлар мазкур қонунни маъқуллади.

Шунингдек, ялпи мажлисда “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Озарбайжон Республикаси Ҳукумати ўртасида ҳарбий соҳада ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2022 йил 21 июнь) ратификация қилиш ҳақида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Озарбайжон Республикаси Ҳукумати ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2022 йил 21 июнь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонунлар кўриб чиқилди.

Сенаторлар ўзбек ва озарбайжон халқлари ўртасидаги дўстлик ришталари чуқур тарихий илдиэларга эга эканини, маданий-маънавий қадриятлар, анъаналар ҳамда тарихнинг кўп асрлик муштараклигига асосланганлигини алоҳида таъкидлади. Ҳозирги вақтда бу икки давлат ўртасида ўзаро ишонч ва юсак ҳурматга асосланган ўзаро манфаатли ҳамда самарали ҳамкорликни ривожлантириш учун мустақкам пойдеворга айланди.

Сенаторлар ратификация қилиш учун тақдим этилган битимларни юқори баҳолаб, Озар-

байжон ва Ўзбекистон ўртасида мудофаа соҳасидаги ҳамкорлик икки давлат армияларининг мудофаа қобилиятини янада мустақкамлаш ва салоҳиятини оширишига хизмат қилишини таъкидлади.

Шунингдек, ушбу битимлар Озарбайжон Республикаси Президентининг Илҳом Алиевнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи доирасида имзоланган ва ҳарбий, ҳарбий-техникавий, ҳарбий таълим соҳасида, шунингдек, томонлар манфаатлари кесилмайдиган бошқа соҳаларда икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилганлиги қайд этилди.

Сенаторларнинг фикрича, битимларнинг қабул қилиниши икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга янги чарча туртки беради ва минтақавий хавфсизликни мустақкамлашга хизмат қилади.

Қонунлар сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз тўққизинчи ялпи мажлисининг биринчи иш куни якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати

Референдум ўтказувчи участка комиссияси аъзоларига қандай талаблар қўйилади?

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби Худойёр МАМАТОВ билан референдум ўтказувчи участка комиссияларининг фаолияти, комиссия аъзоларига қўйилган талаблар борасида суҳбатлашдик.

– **Референдум ўтказувчи участкаларнинг вазифаси, уларни тўзиш тартиблари ҳақида маълумот берсангиз.**

– «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига кўра, референдум участкалари референдум ўтказувчи округ комиссиялари томонидан туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инобатга олган ҳолда, референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида тузилади. Шу жумладан, ҳарбий қисмлар, санаторийлар, дам олиш уйлари, касалхоналар ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги фуқаролар турган жойларда, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида ҳам референдум участкалари тузилади. Бундан ташқари, хориздаги фуқароларимизнинг ўз ҳуқуқларидан фойдаланишлари учун шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг хоризий давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида ҳам референдум участкалари тузилиши мумкин.

Референдум участкалари референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг, қоида тартибидан, камида 20 нафар ва кўпи билан 3 минг нафардан иборат этиб тузилади.

– **Референдум ўтказувчи участка комиссиясини тўзиш тартиби қандай, уларнинг ваколатлари нимадан иборат?**

– Қонунчилигимизга кўра, референдум ўтказувчи участка комиссияси референдум тайинлаш тўғрисидаги қарор эълон қилинганидан кейин округ комиссияси томонидан йигирма беш кундан кечикмай тузилади.

– Дарҳақиқат, айти кунларда барча округ комиссиялари томонидан референдум ўтказувчи участка комиссияси аъзолари учун ўқув-семинарлар ташкил этилиб, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимлари, амалий кўникмалари бойитилмоқда. Вакиллар зарур ўқув қўлланмалари, сиёсий-ҳуқуқий билимларни мустақкамлашга қаратилган бошқа адабиётлар билан таъминланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, олдимизда турган муҳим сиёсий жараённи муносиб ўтказиш учун барча ташкилий, тайёргарлик ишлари изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Муҳтарам КОМИЛОВА,

УЭА мухбири

нигдек, сайловга ҳамда референдумларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш борасида иш тажрибасига эга, аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган бўлиши керак.

Яна шундай ҳолатлар борки, агар референдум ўтказувчи участка комиссиясининг ярмидан кўпини бир ташкилотда ишлайдиган шахслар ташкил этадиган бўлса, улар ушбу комиссия таркибига тавсия этилиши мумкин эмас. Бундан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, ҳарбий қисмларда, санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ҳамда бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида ташкил этилган референдум ўтказувчи участка комиссиялари мустасно.

Бундан ташқари, аҳолини овоз бериш ўтказилган кун ва жой тўғрисида хабардор этиш, овоз бериш хоналари, кабиналари ва қўтилари ҳамда бошқа ашёлар тайёрлаб қўйишнинг таъминлаш, референдум участкасида овоз беришни ташкил этиш, овозларни ҳисоблаб чиқиш ва натижаларини чиқариш каби муҳим вазифалар референдум ўтказувчи участка комиссиясининг ваколатларига кирлади.

– **Шу кунларда барча ҳудудда референдум ўтказувчи участка комиссияси аъзолари тасдиқланмоқда. Айтингчи, қимлар участка комиссияси аъзоси бўла олади, уларга қандай талаблар қўйилади?**

– Дарҳақиқат, айти кунларда барча округ комиссиялари томонидан референдум ўтказувчи участка комиссияси аъзолари учун ўқув-семинарлар ташкил этилиб, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимлари, амалий кўникмалари бойитилмоқда. Вакиллар зарур ўқув қўлланмалари, сиёсий-ҳуқуқий билимларни мустақкамлашга қаратилган бошқа адабиётлар билан таъминланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, олдимизда турган муҳим сиёсий жараённи муносиб ўтказиш учун барча ташкилий, тайёргарлик ишлари изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Муҳтарам КОМИЛОВА,
УЭА мухбири

● Ҳуқуқий маърифат

Озодликни чеклаш жазоси унинг ўзига хос хусусиятлари нимада?

Маълумки, амалдаги қонунчиликда содир этилган ҳар бир жиноий қилмиш учун жазо турлари аниқ белгилаб қўйилган. Шулардан бири озодликни чеклаш — суд томонидан мажмулга нисбатан яшаш жойини ўзгартириш билан тарқ этишни бутунлай таъқиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашдан иборат.

(Давоми 4-бетда) ▶



● Хуқуқий маърифат

Озодликни чеклаш жазоси

унинг ўзига хос хусусиятлари нимада?

◀ (Бошланиши 3-бетда)

У жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган, маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбуриятлар ҳорасидир.

Озодликни чеклаш бир ойдан беш йилгача муддатга тайинланади ҳамда суд томонидан белгиланадиган органлар назорати остида ўталади. Озодликни чеклаш, уни маҳкумнинг яшаш жойида ўташ шартлари содир этилган қилмишнинг хусусияти ва суд чиқарган қарорни ижро этишдан бўйин товланишнинг олдини олиш ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан белгиланади.

Суд озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахснинг зиммасига ўзи етказган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаш, ишга ёки ўқишга жойлаштириш мажбуриятларини, шунингдек, унинг тузалишига кўмаклашувчи бошқа мажбуриятларни юклаши мумкин.

Қўлланилаётган тақиқнинг (чеклаш) хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда суд маҳкумнинг зиммасига қуйидаги қўшимча тақиқларни (чеклашлар) юклаши мумкин:

- муайян жойларга бормаслик;
- оммавий ва бошқа тадбирлар ўтказишда иштирок этмаслик;
- муайян фаолият билан шуғулланмаслик;
- муайян буюмларга эга бўлмаслик ёки уларни ўзидан сақлашмаслик;

- транспорт воситасини бошқармаслик;

- маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойи, иш ва (ёки) ўқиш жойини ўзгартирмаслик, тегишли маъмурий ҳудуддан ташқарига чиқмаслик;

- муайян шахслар билан алоқа ўрнатмаслик;

- алоқа воситалари, шу жумладан, интернетдан фойдаланмаслик;

- алкоғолли ичимликлар истеъмол қилмаслик.

Маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товланган, шунингдек, суд томонидан ўз зиммасига юклаган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкин. Жазони ўташдан бўйин товланган вақти ўталган жазо муддатига қўшиб ҳисобланмайди.

Агар озодликни чеклашга ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, етказилган моддий ва маънавий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашлар) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкин.

Озодликни чеклаш жазоси ҳарбий хизматчилар, чет эл фуқаролари, мамлакатимизда доимий яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга нисбатан тайинланмайди.

Нодиржон РАИМҚУЛОВ,
Фаргона вилояти суди судьяси

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Хусусан, Президентимизнинг 2018 йилдаги “**Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги қарори бу борада муҳим аҳамият касб этди.

Қарорга мувофиқ, умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларидан дарс ва тўғра рақ машғулотларини ташкил этиш ҳамда синф журналини юритишдан ташқари бошқа педагогик юктамалар бўйича ҳисобот ва қўшимча маълумотларни талаб қилишга йўл қўйилмайдиган бўлди.

Шунингдек, халқ таълими ходимларини хизмат мажбурияти билан боғлиқ бўлмаган



ишлар, мажбурий меҳнат, шу жумладан, туман ва шаҳарлар ҳудудларини ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари, мавсумий қишлоқ хўжалиги ишлари ҳамда бошқа турдаги ишларга жалб қилиш тақиқланди.

Халқ таълими ходимларини уларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган йиғилишлар ва бошқа тадбирларга жалб қилиш, уларнинг босма нашрларга мажбурият билан бўлишини ташкил этиш ҳам қатъиян ман этилди.

Шунга қарамай, педагогларни уларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлма-

ган тадбирларга ноқонуний жалб этиш ҳолатлари учраб турибди. Жумладан, педагог ходимлар ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва масалаларни ҳал этиш учун тузилган ишчи гуруҳлар

ларнинг бандлигини таъминлаш юзасидан ҳисоботлар тақдим этиш;

- ҳокимлик раҳбарлари, туман маънавият бўлими ва ёшлар ишлари агентлигининг бўлималарига турли хил ҳи-

нинг 28 март куни матбуотда эълон қилиниб, кучга кирган ушбу қонун билан Жиноят кодексига педагог ходимларни меҳнатга маъмурий тарзда мажбуриятлиқ учун маъмурий жазо қўлланганидан кейин

● Моҳият

Педагоглар фаолиятига тўсқинлик қилиш бунинг учун жавобгарлик кучайтирилмоқда



таркибига асоссиз киритилмоқда. Улардан турли ҳисобот ва маълумотлар талаб қилиб келинмоқда.

субот ва маълумотлар тақдим этиш;

- маҳаллий ва республика нашрлари учун мажбурий обуна бўлиш.

Бундай нотўғри амалиётнинг шаклланиши, табиийки, педагог ходимларнинг дарс жараёнларига тўлиқ тайёргарлик кўриши, ўқувчиларга сифатли таълим беришига тўсқинлик қилмоқда.

Бўш прокуратура томонидан педагог ходимларнинг жамиятдаги нуфузини мустақамлаш, уларнинг иш самардорлигини ошириш ва лавозим мажбуриятига кирмайдиган вазифаларга жалб қилишга барҳам бериш мақсадида Маъмурий жавобгарлик ва Жиноят кодексига тегишли ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳаси тайёрланди. Мазкур қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенатга киритилди.

Айтиш керакки, жорий йил-

ҳудди шундай қилмишни такроран содир этганлик учун жиноий жавобгарлиқни назарда тутувчи норма киритилмоқда.

Хусусан, меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбуриятлиқ (бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно), таълим ташкилотининг педагог ходимига нисбатан худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланганидан кейин содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши белгиланмоқда.

Бундан ташқари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда педагог ходимларни меҳнатга маъмурий тарзда мажбуриятлиқ, шунингдек, уларнинг касбий фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик

кучайтирилиши назарда тутилмоқда.

Яъни меҳнатга бирон-бир шаклда маъмурий тарзда мажбуриятлиқ таълим ташкилотининг педагог ходимига нисбатан содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Таълим ташкилоти педагог ходимининг касбий фаолиятига таълим олувчиларнинг билимини тўғри ва холис баҳолашга таъсир кўрсатиш билан ифодаланган тарзда қонунга хилоф равишда аралашуш ёки таълим ташкилоти педагог ходимининг хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш учун ҳам жавобгарлик кучайтирилмоқда.

Бундай ҳуқуқбузарлик фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса, ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлиши белгиланмоқда.

Ушбу янги қонун келгусида таълим ташкилотининг педагог ходимларини мажбурий меҳнатга жалб қилиш, касбий фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлиқни кучайтиришга, шунингдек, соҳа вакиллари-нинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

Одилжон ИМИНОВ,
Олий Мажлис Сенати
Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси

Мезон



Кредит шартномаси мажбуриятлари бажарилмаса

томонлар ҳам,

иқтисодиёт ҳам зарар кўради

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Аниқроқ айтганда, 2020 йил 13 апрелда тузилган кредит шартномасига асосан “Я” масъулияти чекланган жамиятига (тадбиркорлик субъекти номи ўзгаририлган) автомобилларни ювиш шохобчаси ва цех куриш учун йиллик 24 фоиз устама тўлаш шarti билан 6 ой имтиёзли давр асосида 36 ой муддатга 500 миллион сўм миқдорда кредит маблағи ажратилган.

Банк жавобгарга шартномада назарда тутилган миқдор ва шартлар асосида пул маблағи, яъни кредит бериш, жавобгар шартноманинг ажралмас қисми бўлган тўлов жадвали асосида кредитни қайтариш ва унинг учун фоизларни тўлаш мажбуриятини олган.

Айтиш керакки, банк томонидан шартнома шартлари бажарилган бўлса-да, жавобгар зиммасидаги мажбуриятга лоқайдлик билан қараган. Яъни кредитнинг

асосий қисми ва фоизларни тўлов жадвалида белгиланган муддатларда тўламаган.

Суд жараёнида банк томонидан тақдим этилган маълумотномага кўра, жавобгарнинг муддати ўтган кредит қарздорлиги 605.293.602 сўмни ташкил қилган. Бундан кўринадики, судга даъво аризаси берилганидан сўнг ҳам кредит тўловлари умуман амалга оширилмаган.

Шу боис суд даъвони қаноатлантирди. Жавобгардан банк фойдасига 605.293.602 сўм кредит қарздорлиқни ундиришни лозим топди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, шартнома шартларига қатъий риоя қилиш тарафлар учун бирдек фойдали ва шунинг баробарида иқтисодиётни юксалтиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Буни ҳеч қачон унутмаслик зарур.

Дилшод ТУРДИЕВ,
Учқудуқ тумани
иқтисодий суди раиси

Ҳеч қилмга сир эмаски, ўта хавфли иллат саналадиган коррупция ҳар қандай давлат тараққиёти, унинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаёти, халқнинг адолатга ва келажакка бўлган ишончига жиддий путур етказиши, инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликлари қўпол тарзда бузилиши, жамиятда турли ҳуқуқбузарликлар сонининг ортишига сабабчи бўлади.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашнинг таъсирчан ҳамда самарали механизми амалга жорий этилган.

Бунга жавобан шуни айтиш керакки, оилалик, уч нафар фарзанднинг отаси, олий маълумотли Акбар Абраев эллик етти ёшида жабранувчи Рашид Ортиқовга нисбатан тамағирлик қилгани учун жиноий жавобгарликка тортилди.

Шу ўринда бу ҳақида батафсил тўхталадиган бўлсак, ўша куни Рашид Ортиқов ўзининг “Нексия” русумли автомашинасида қариндоши Элёр ҳамда таниши Абдуҷалол билан Ўртабўз қишлоғидаги автомашиналарга газ қуйиш қилмишлари учун жиноий жавобгарликка тортилди?

Шу ўринда бу ҳақида батафсил тўхталадиган бўлсак, ўша куни Рашид Ортиқов ўзининг “Нексия” русумли автомашинасида қариндоши Элёр ҳамда таниши Абдуҷалол билан Ўртабўз қишлоғидаги автомашиналарга газ қуйиш қилмишлари учун жиноий жавобгарликка тортилди.

Шу, А.Абраев қайси

шаҳобчасига бораётганди. Кутилмаганда, йўлнинг қатнов қисмига бир бола югуриб чиқди. Р.Ортиқов автомашинани соатига 45 километр тезликда бошқариб бораётганди, аммо оралик масофа жуда қисқа эди. Шу боис у автомашинани тўхтатишга улгурмади, болани уриб юборди.

Шундан сўнг Р.Ортиқов ҳамроҳлари билан бирга автохалокат оқибатида жароҳат олган болани зудлик билан туман шифохонасига олиб боришди. Маълум бўлишича, автохалокат оқибатида жароҳатланган бола ҳодиса юз берган жой яқинида яшовчи,



Жиноятга жазо муқаррар!

Нафс измидаги

саккиз ёшли Улуғбек экан.

Ўтган йилнинг 16 сентябрь куни рўй берган ана шу кўнгилсизликдан ташвишга тушган Р.Ортиқов боланинг ҳолидан хабар олиб, тиббий муолажалар учун дори-дармонлар билан таъминлаб туради. Улуғбекнинг отаси О.Маматов унга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақида тилхат ҳам ёзиб беради.

Улуғбекка шифохонадан 24 сентябрь куни уйига рухсат берилади. Шунингдек, Р.Ортиқов томонидан содир этилган йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида Улуғбекка етказилган тан жароҳати бўйича суд-

га оид тиббиёт экспертизаси тайинланади. Х.Сулаймонова номидаги суд-тиббий экспертизаси илмий-амалий маркази Самарқанд филиалининг Жомбой тумани бўлини маси давлат суд-тиббий эксперти А.Абраев тегишли хулоса тақдим этганидан сўнг автомашинанинг жарима майдонидан чиқариш мумкин эди.

Р.Ортиқов автохалокатга гувоҳ бўлган қариндоши Э.Назаров билан суд-тиббий экспертизаси туман бўлини масига бориб, эксперт А.Абраевга учрашди ва мақсад-муддаосини айтди.

— Боланинг тишлари синган, — дейди А.Абраев касаллик тарихи кўчирмасига кўз ташларкан. — Тишларнинг синиши эллик фоиздан ошиб кетган, бу жиноий иш кўзга тишни тақоза этади...

Табиийки, бу совуқ гапдан Рашид ўзини йўқотиб қўяди. Ёнида ўтирган Элёрнинг ҳам юзида бирдан ташвишли аломатлар пайдо бўлади.

— Нима қилса бўлади? — дея сўрайди Рашид хавотирга тушган кўйи.

30 АПРЕЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Янгиланаётган Конституциямизнинг мазмун-моҳиятида шу юксак тамойил мужассамлашган

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ушбу тамойилнинг нақадар муҳимлигига халқаро экспертлар, жумладан, БМТнинг Судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян ҳам алоҳида эътибор қаратгани бежиз эмас.

Бош қомусимизга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар миллий қонунчилигимиз, қадриятларимиз, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибаси ҳамда илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда киритилмоқда. Ушбу ўзгаришлар натижасида, биринчи навбатда, жамиятнинг турли ижтимоий қатламлариغا мансуб фуқароларнинг шахсий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва экологик ҳуқуқлари ҳамда манфаатлари кафолатли тарзда таъминланади.

Давлат билан фуқаронинг ўзаро муносабатларини белгилашда фуқаронинг ҳуқуқий мақоми муҳим ўрин тутди. Фуқаронинг ҳуқуқий мақоми деганда, унинг муайян сиёсий-ҳуқуқий ҳолатини белгилаш мақсадида давлатнинг қонунларида белгиланган ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятларнинг йиғиндиси тушунилади.

Инсон ҳуқуқлари — адолатнинг, шахс эркинлигининг кўлами ва меъёрини ифодалайди. Улар давлат ҳокимияти билан инсон ўртасидаги муносабатларни мувозанатлаштиради.

Инсон ҳуқуқлари фуқароларнинг ўзаро алоқаларини тартибга солиш ва бу борада юзага келиши мумкин бўлган зиддиятларни бартараф этишнинг меъёрий шакли ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлариға риоя қилиш амалиётининг юксак тақомилга етгани давлатнинг ҳуқуқийлиги ва демократиклигини ифодаловчи муҳим кўрсаткичдир.

Шу нуқтаи назардан, Конституцияда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг бевосита амал қилишини урта ҳусусиға қараб баҳолаш мумкин. Бу ўринда, **биринчидан**, шахснинг Конституцияда белгиланган ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан тўғридан-тўғри фойдаланиши, **иккинчидан**, барча субъектларнинг Конституция талаб ва мажбуриятларига риоя қилиши, **учинчидан**, ваколатли давлат органларининг конституциявий нор-



маларни қўллаши ва ижросини таъминлаш назарда тутилмоқда.

Ҳуқуқий давлатда барча муносабатлар аниқ қоидалар билан тартибга солинган бўлиши керак. Аммо ҳаётда шундай вазиятлар ёки ҳолатлар вужудга келиши ҳам мумкин, давлат ва инсон ўртасидаги айрим муносабатларнинг ечими қонунчиликда кўрсатилмаган ёки ноаниқликларга сабаб бўлади.

Шундай ҳолатларда муаммо кимнинг фойдасига ва қандай тартибда ҳал этилиши муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода, янгиланаётган Конституциямизнинг 20-моддасида **“Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади”**, деган халқчил қоида белгиланмоқда.

Мамлакатимизнинг 2022-2026 йиллар учун мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида суд жараёнида томонларнинг ҳақиқий тенглиги ва тортишув тамойилини рўйбга чиқариш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини ошириш мақсади белгиланган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 ноябрь куни одил судловни таъминлаш борасидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишдаги маърузаси муҳим стратегик аҳамиятга эга.

Бу ҳақда сўз борганда, 2016 йилда бошланган суд мустақиллигини мустаҳкамлаш, жиноий ишларни кўришда ҳолислик, адолат ва қонунийликни таъминлашга оид ҳуқуқий ислохотларнинг ўтган олти йилида тизимга тааллуқли 50 дан ортиқ қонун, фармон ва қарор қабул қилингани алоҳида таъкидлаш лозим. Шу даврда ноҳақ айбланган тўрт минг нафар кишига оқлов ҳукми чиқарилди, 26 мингдан зиёд шахс суд залидан озод қилинди, 47 минг нафар фуқарога нисбатан терговда қўйилган моддалар айбловдан чиқарилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур жараён Ўзбекистон демократик қадриятлар асосида ривожланиб бораётганининг амалдаги тасдиғидир. Замоनावий давлатчилигимиздаги бу янги тенденция, яъни инсоннинг қадри жойига қўйилган, манфаати биринчи ўринда турайдиган одил судлов барқарорлигини янада мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу, ўз навбатида, фуқароларнинг гурури ва масъулиятини, давлатга ишончини янада оширади.

Яна бир муҳим жиҳат: янгиланаётган Конституция лойиҳасининг 29-моддасида давлат тарафидан юридик ёрдам кўрсатилиши ва адашганларнинг афв этилишига оид нормалар кўзда тутилмоқда. Ҳар икки омил ҳам жамият учун фойда келтириши билан диққатга сазовордир.

Янги Конституцияда акс этаётган давлат ҳисобидан малакали юридик ёрдам кўрсатиш жараёни ҳуқуқий маслаҳат ва тушунтиришлар бериш, ҳуқуқий хусусиятдаги ҳужжатлар тузиш, шунингдек, судлар, давлат органлари ва бошқа ташкилотларда шахс ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш орқали амалга оширилади. Сўнги 3 йилда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш учун бюджетдан 111,9 миллиард сўм сарфлангани шундан далолатдир.

Янги Конституцияга мазкур норманинг киритилиши фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлайди. Қолаверса, одил судловдан фойдаланиш имкониятини оширишга хизмат қилади.

Асосий қонун лойиҳасида фуқароларга малакали юридик ёрдам манбаи бўлган адвокатура институти конституциявий кафолат сифатида белгиланмоқда. Яъни Конституциямизга “Адвокатура” деб номланувчи алоҳида боб киритилмоқда.

Афв омилига келсак, кечиримлик — халқимизга хос фазилат. Бу — фуқаронинг давлатга бўлган ишончи ошишида муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, афв институтининг Конституция матнида белгиланиши айни эзгу мақсаднинг кафолатидир.

Афв замирида нафақат кечиримлик фазилати, балки юксак инсонпарварлик тамойили ҳам мужассам. Чунки афв этилган шахсларнинг оила аъзолари, яқинлари ҳам бундай бағрикенгликдан баҳраманд бўлади. Зотан, адолатли жамиятда айбдорларни жазога тортишдан мақсад — уларни тўғри йўлга қайтариш, жамиятнинг фаол аъзосига айлантиришдир.

Хулоса қилиб айтганда, янгиланаётган Конституциямизда инсон ҳуқуқларини кафолатлайдиган нормалар 3 баравардан ортиққа ошмоқда. Шу азиз Ватанимизда яшайдиган барча инсонларнинг ҳуқуқлари Асосий қонунда кафолатланяптими, келажагимиз учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўляптими, демак, ҳар биримиз ўз келажагимизга бефарқ бўлмаслигимиз, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги қизғин жараёнга, ўзгариш ва янгиланишларга дахлдорлик ҳисси билан ёндашишимиз керак.

Янги Ўзбекистонда инсоннинг кадр-қиммати, шаъни улуғланиши, ҳақ-ҳуқуқ ва манфаатларининг қонуний ҳимоясининг кафолатланиши, албатта, ҳар бир фуқарони референдумда фаол иштирок этишга чорлайди.

● Қонун кўмағи



ЯРАШУВ МУДДАТИ бир оилани сақлаб қолди

Оила — муқаддас даргоҳ. Унинг муқаддаслигини ҳис қилган ва асраб-авайлайдиган эр-хотин бахтли турмуш кечиради. Фарзандларини қонининг қилиб тарбиялайди. Аксинча, бир-бирини тушунмаслик ёки ён-атрофдагиларнинг ҳуда-беҳудага ёш оиланинг ишларига аралашавериши ҳамжисҳатликка путур еткази.

Шўрчи туманида яшовчи Собир Комилов (исм-шарифлар ўзгартirilган) ҳам 2014 йилда Қумқўрғон туманида истиқомат қилувчи Назокат Толипова билан турмуш қурди-ю, аммо бирга узоқ яшолмади. Аниқроғи, келиннинг қайнонаси билан бўлган муносабати билан бу оила жанжалнинг уясига айланиб қолди. Айни дилхиралик орадан бир йил ўтгач, киз фарзанд туғилгандан кейин ҳам аримади. Бунинг устига Собир хотини ва қизини қолдириб, ишлаш учун хорижга кетиб қолди. Шундан сўнг қай-

ажрим учун сабаб бўлолмади. Бинобарин, суд оилани сақлаб қолиш мақсадида тарафларга ярашиб олиш учун 4 ой муҳлат берди.

Буни қарангки, ана шу муддат мобайнида қудалар бир-бирини тушунишди, муросага келишди. Энг муҳими, иккала томон ҳам ноила жанжалнинг уясига айланиб қолди. Айни дилхиралик орадан бир йил ўтгач, киз фарзанд туғилгандан кейин ҳам аримади. Бунинг устига Собир хотини ва қизини қолдириб, ишлаш учун хорижга кетиб қолди. Шундан сўнг қай-



нона-келин можароси баттар авж олса олдики, босилмади. Шу боис Назокат эрининг ёнига боришга мажбур бўлади.

Улар хориждан қайтгач, иккинчи фарзанди — ўғли Жўрабек дунёга келди. Бироқ икки ўртадаги соувқилик барибир кўтарилмади. Натижада Н.Толипова икки боласини етаклаб, отасиникига кетиб қолди.

Мана шу зайлда орадан 2 йил ўтди. Ўтган йилнинг сентябрь ойида куёв томон никоҳдан ажратишни сўраб, фуқаролик ишлари бўйича Қумқўрғон туманлараро судига даъво ариза киритди.

Албатта, оиладаги арзимас жанжал, келишмовчиликлар

сўради. Шундан келиб чиққан ҳолда суд Фуқаролик процессуал кодексининг 122-моддасига биноан даъво аризани кўрмасдан қолдириш тўғрисида ажрим чиқарди.

Хулоса қилиб айтганда, қонунчиликда белгиланган ярашув муддати туфайли гулдек бир оила сақлаб қолинди. Энди фарзандлар тўлақонли оилада ҳам ота, ҳам она меҳридан баҳраманд ҳолда улғайишади. Зеро, донишмандлар “Қушнинг ҳам ини бузилмасин” дея бежиз айтишмаган.

Фазлиддин ХИДИРОВ,
фуқаролик ишлари бўйича
Қумқўрғон туманлараро
суди раиси

ЭКСПЕРТ

охир-оқибат қўлга тушди

— Оғир ва энгил тан жароҳати ўртасида турибди, — дейди А.Абраев. — Энгил жароҳат деб хулоса бериш мумкин. Аммо эрта кимдир шикоят қилса...

Ўртага яна оғир сукунат тушади. Бироздан сўнг сукунати А.Абраевнинг ўзи бузди: — Агар “харажати”дан қочмасангиз, энгиллаштириб бераман.

Буни эшитиб, Рашид билан Элёрнинг чиройи очилади. — Ҳар қандай хизматга тайёрман, — дейди Р.Ортиқов.

— Унда ўша болани менинг текширувга олиб келинглар, — дейди А. Абраев. — Ҳа, “харажат” ҳақида яна яхшилаб ўйлаб кўринглар...

Қисқаси, воқеаларнинг давоми шундай кечади: Рашид Улуғбекнинг онаси Гулсанам Ваҳובה билан бирга экспертнинг ҳузурига келади. Рашид А.Абраевнинг хизмат хонасига киришдан олдин уяли телефон аппаратиға аудио — видео ёзувни ёзиш дастурини интернет тармоғидан кўчириб,

фаоллаштириб қўйганди...

Ўша куни А.Абраев Улуғбекни текшириб кўргач, унинг ўзи ва онаси билан суҳбатлашади, маълумотларни ёзиб олади. Сўнгра Рашид ва Элёрни хизмат хонасига таклиф қилади. Ичкарига киргач, Рашид тоқатсизланганича унга саволомуз қарайди. А.Абраев “Бўёғига ҳамма гап сизда қолди” дейди. Сўнг у урта бармоғини кўрсатиб, “учта кўкидан”, дейди.

Урни келганда шуни қайд этиш керакки, автохалокат оқибатида Улуғбекнинг бир тиши тўлик, учтасининг ярми синган эди. Эксперт А.Абраев буни оғир тан жароҳати гуруҳига киришини айтиб, хулосани энгил қилиб бериш эвазига 300 АҚШ доллари сўраганди. Бу Р.Ортиқовни ўйлантириб қўяди.

Хуллас, Р.Ортиқов ўтган йилнинг 28 сентябрь куни эр-талаб вилоят ички ишлар бошқармасига Э.Назаров билан бирга боради ва Х.Сулаймонова номидаги суд-тиббий экспертизаси илмий-амалий



маркази Самарқанд филиали Жомбой туман бўлинмаси давлат суд-тиббий эксперти А.Абраевга нисбатан хизмат мавқеидан фойдаланиб, таъмагирлик қилгани учун қонуний чора кўришини сўраб, ариза ёзади. Ариза юзасидан А.Абраевнинг қонунга зид хатло-ҳаракатларини фош этиш учун тезкор тадбир ўтказилади. Икки нафар ҳолис фуқаро ўз розилиги билан тадбирда иштирок этади.

Рашид билан Элёр эксперт А.Абраевнинг хонасига кириб борганида, у ишлаб ўтирган-ди. Элёр чўнтағидан тезкор тадбир учун берилган 300 АҚШ долларини олиб, А.Абра-

евга узатади. А.Абраев пулни олиб, шимининг орқа чап чўнтағига солиб қўяди. Шундан сўнг А.Абраев қўлга олинади...

А.Абраевнинг жиноий ҳаракати дастлабки тергов органи томонидан Жиноят кодексининг 210-моддаси 2-қисми “в” банди билан тўғри малакаланган. Суд судланувчининг жиноят содир этишдаги барча ҳолатларига ҳуқуқий баҳо берди, жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳар томонлама таҳлил қилиб, қилмишига яраша қонуний ва адолатли жазо тайинлади.

Гувоҳи бўлганингиздек, Акбар Абраевга тўғри йўлдан адашиш, таъмагирлик қим-

матга тушди. У мансабдор шахс бўла туриб, “Суд экспертизаси тўғрисида”ги қонунда белгиланган ўз мажбуриятларидан ғаразғўйлик мақсадида фойдаланди. Нафс қутқусига берилган эксперт пора сўраб, қўлга тушди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, таъмагирлик ҳеч қачон яхшилиқ келтирмайди. Аксинча, тегишли жавобгарликка сабаб бўлади.

Жонибек РАУПОВ,
жиноят ишлари бўйича
Самарқанд шаҳар суди
судьяси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
“Куч-адолатда” муҳбири

Жиноят ва жазо



Фирибгар «ҚАССОБ»

судда қонуний жазо олди

Ўтган йили қўшқўрлик Ҳикмат Исоқов оғир жиноий қилмишига қўл урди. У ўн нафар фуқарони алдаб, уларнинг 25 миллион сўм миқдоридagi маблағини фирибгарлик йўли билан қўлга киритди.

(Давоми 6-бетда) ▶

Тарих тилсимлари

ОҚСАРОЙ АСЛИДА ҚАНДАЙ БЎЛГАН?

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Соҳибқирон Амир Темури ўзи забт этган мамлакатларнинг энг моҳир курувчи ва меъморлари, ҳунармандларини юртимизга олиб келиб, улкан бунёдкорлик ишларини амалга оширган. Ҳар бир иншоотнинг бунёд этилишидан олдин меъморларга амалий кўрсатмалар бериб, қурилишни қатъий назоратга олган.

Амир Темури барпо эттирган иморатларнинг ҳар бири ўзига хос кўринишга эга бўлиб, ўша даврнинг меъморчилик услубини вужудга келтирган. Биргина Шаҳрисабз шаҳрида бунёд этилган маҳобатли Оқсарой мажмуаси ҳали-ҳамон ноёб архитектураси билан дунё аҳлини ўзига мафтун этиб келмоқда. Оқсарой арки нафақат қадимий Кеш шаҳри, балки теурилар салтанатининг маъмурий (сарой) девони ҳисобланиб, XIV аср охири XV аср бошларида жуда катта майдонни эгаллаган. Унинг дастлабки тузилиши тўғрисида фақатгина ўрта асрлар ёзма ман-



баларидан билиб олиш мумкин. Хусусан, Амир Темури даврида унинг салтанатига келган испаниялик элчи ва сайёҳ Руи Гонзалес де Клавихо бу бинони бениҳоя улкан иншоот сифатида тасвирлаган бўлса, Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Қисро тоқидан буюк”, дея таърифлаган.

Темурийлар даврининг

энг ноёб ёдгорлиги саналган ҳашамдор, салобатли ва нақшинкор саройни қуриш учун 20 йилдан ортиқ вақт сарфланган. Унинг қурилиши 1380 йилда бошланиб, 1404 йилга қадар давом этган.

Манбаларда келтирилишича, бинонинг баландлиги 70 метр (сақланиб қолган қисми 24 метр) бўлиб, умумий кўриниши ул-

кан арк шаклида бўлган. Бино равоғининг кенлиги 22,5 метрни ташкил этган. Ёзма манбаларда сарой турар жой ва жамоат биноси сифатида қурилиб, хоналар ҳовли атрофида жойлашган. Ҳовли ўртасида катта ҳовуз бўлиб, унга Тахтақорача доволондан сопол қувурлар орқали сув олиб келинган. Шунингдек, сарой таркибида

гумбазли катта девонхона, ёнларида маслаҳатчилар учун кичик хона, ҳашаматли равоқли бостирмалар, ички томонида ҳарам ва амирнинг хонаси жойлашган. Девонхона пештоқида арслон ва қуёш тасвири ҳамда Амир Темури давлатининг уч ҳалқа шаклидаги нишони тасвирланган. Гумбаз ички ва ён томонлари, бурчаклардаги ми-

нораларга кошкор гишлардан қалқон шаклидаги нақшлар ишланган. Деворларидаги ранглар жилоси, тарихий, фалсафий, диний мавзудаги, куйи, сулс ва исломий ёзувлар ҳамда геометрик нақшларнинг ўзаро уйғунлиги биного жозиба бағишлаб турган. Тунда ой ёруғида рангларнинг жилланиб, оқариб кўриниши сабабли бу кўш Оқсарой деб аталган.

Ҳар қандай кишининг ақлини лол қилиб, ҳайратга солган бу иншоотга машҳур тарихчи Шарафуддин Али Язидий “Дунёда бунчалик муҳташам кўш бўлмаган”, дея таъриф берган.

Олти асрлик йўлни босиб ўтган ноёб обида бугун ҳам сайёҳларга олам-олам ҳайрат улашмоқда. Айниқса, кейинги вақтларда сарой ва унинг атрофидаги боғ қайта таъмирлангани шаҳарга ўзгача ҳусн ва салобат бағишлаб турибди.

Дилбар ТОШТЕМИРОВА,
Тошкент давлат юридик университети қошидаги лицей ўқитувчиси

Қизиқарли фактлар

Машҳур инсонларнинг ҳаёт йўли, фаолияти, ўзгача феъл-атвори ва одалари қўпчиликни қизиқтириши шубҳасиз. Қолаверса, улар билан боғлиқ бўлган антиқа воқеа-ҳодисалар ҳам киши эътиборини тортиши табиий. Қуйида шулар ҳақида ҳикоя қиламиз.



ТАҚДИР ҒАРОЙИБОТЛАРИ

БИРИНЧИ ТАҚРИЗ

Машҳур француз адаби Ги де Мопассан ёзувчи бўлишидан олдин денгиз вазирлигида масъул вазифада ишлайди. Ун йил умри шу ерда ўтади. Бироқ адабиётга муҳаббати туфайли ишини қўйиб, ўқиш-ўрганиш ва ёзиш билан машғул бўлади. Атоқли ёзувчи Флобер қўлида олти йил шу тарзда тарбияланган, машқлари услуб ва мазмун жиҳатидан устозига маъқул тушади ва уларни эълон қилишга рухсат олади.

Бир неча йиллардан сўнг Мопассан ишлаган вазирлик архивидан у ҳақидаги бир тавсифномани топишади. Унда шундай дейилган: “Ҳаракатчан ходим, лекин ёмон ёзади”.

УЙИ БАРОБАР КИТОБ ЁЗГАН АДИЕ

Абдулла Қаҳҳор Лев Толстойни “бўйи баробар китоб ёзган” дея таърифлаган. Шу маънода испан драматурги Лопе де Вега (1562-1635) ҳақида бемалол “уйи баробар китоб ёзган” деб айтиш мумкин. Чунки у 2000 тага яқин пьеса ва 3000 тага яқин сонет муаллифидир. Де Вега пьесаларининг 426 таси бугунгача етиб келган.

Драматург асосан тарихий ва ҳажвий мавзуларда қалам тебратган. Унинг пьесалари Уйғонмиш даври испан драматургиясининг мумтоз намуналари саналади.

ЁЗОЛМАГАН ЁЗУВЧИ

Детектив романлари билан жаҳонга танилган Агата Кристи дастлаб ҳарбий касалхона, сўнгра дорихонада ишлаган. Заҳар ва унинг таъсирини жуда яхши билган. Шу сабабли асарларида қотилликлар қўпича заҳар ёрдамида амалга оширилади.

Китоблари тўрт миллиард нусхадан ортиқ чоп этилган ва дунёнинг юздан ортиқ тилга таржима қилинган Агата хоним дисграфия дардидан азият чеккан – қўлда ёза олмаган. У барча машҳур романларини айтиб туриб ёздирган.

МАШҲУР КЕМАНИНГ ПРОТОТИПИ

“Титаник” кемаси ҳалокатга учрашидан 14 йил олдин – 1898 йилда америкалик фантаст ёзувчи Морган Робертсон “Бехудалик” номли қисса эълон қилади. Асарда тилга олинган “Титан” кемаси апрель ойи оқшомларининг бирда музтоққа урилиб, чўкиб кетади. Иулловчиларнинг жуда кўпи ҳалок бўлади. Қизиги шундаки, “Титан” ҳажм жиҳатидан ҳам “Титаник”ка жуда яқин келади.

Қисса 1912 йили “Титаник” ҳалокатидан сўнг айрим ўзгаришлар билан “Бехудалик ёхуд “Титан”нинг ҳалокати” номи остида чоп этилади ва машҳур бўлиб кетади.

ИЖОДАГИ “ХИЗМАТКОР”ЛАР

Александр Дюма асар ёзишда ёрдамчилардан унумли фойдаланган. Улар орасида Огюст Маке асосан машҳур эди. Дюманинг таниқли биографи, ёзувчи Клод Шопп гувоҳлик беришича, айнан Огюст Маке “Граф Монте Кристо” асари сюжетини ўйлаб топган ва “Уч мушкетёр” асари шаклланишига катта ҳисса қўшган. Аммо Дюманинг иқтидорини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Гарчи баъзи асарлари ёрдамчиларнинг қўлғамаларидан юзага чиққан бўлса-да, ёрқин деталлар ва ҳаётий диалоглар ёзувчи истеъдодининг маҳсули эди.

НОМДАГИ ХАТОЛИК

Атоқли фантаст ёзувчи Рей Бредбери янги романига “Фаренгейт буйича 451 даража” деган ном қўяди. Асар мазмун-мундарижасидан келиб чиқиб шундай ном танланган. Чунки шу ҳароратда қоғоз ўз-ўзидан ёниб кетади. Бироқ қоғоз фаренгейт эмас, Цельсий буйича 450 даражадан сал ошиқроқ ҳароратда оловланади. Адиб ном қўйишда ўт ўчириш хизмати ходими билан маслаҳатлашган ва у ҳарорат кўрсаткичларини чалқаштиргани учун ёзувчи ҳам хатога йўл қўйган.

ПУШКИН ВА “РЕВИЗОР”

Машҳур рус ёзувчиси Гоголнинг “Ревизор” пьесасига асос бўлган воқеа Россиянинг Новгород губерниясидаги Устюжна шаҳрида бўлиб ўтган. Бу ҳақида муаллифга шoir Александр Пушкин айтиб берган ва асар ёзилишига сабаби бўлган. Гогол “Ревизор”ни ташлаб қўйган пайтларда ҳам айнан Пушкин тугаллашга ундаган.

ШЕРЛОК ХОЛМС ҲАҚИДАГИ АСАРЛАР

Бу машҳур изкувар ҳақидаги ҳикояларнинг муаллифи Артур Конан Дойл эканини билмайдиган одам кам топилди. Шерлок Холмс образи жуда кўп ёзувчиларга таъсир қўрсатган. Натияжада у ҳақида бошқа муаллифлар ҳам асарлар ёзган. Бундай муаллифлар ичида ёзувчининг ўғли Адриан Конан Дойл, Марк Твен, Стивен Кинг, Айзек Азимов, Нил Гейман сингари таниқли адиблар ҳам бор.

Интернет материаллари асосида
Бобомурод РАЙИМОВ тайёрлади.

◀ (Бошланиши 5-бетда)

Ҳаммаси Ҳ.Исоқовнинг ҳамқишлоғи Отабой Бобоевнинг хонадонига қутилмаганда келишидан бошланади. Меҳмон уй эгасининг қўйнига қўл солар экан, қассобчилик билан шуғулланиш ниятида эканини айтди.

“Сотиладиган молингиз бор деб эшитдим, нарҳини келишасан, нақдга сотиб оламан”, деди у пировадиди мақсадга қўчиб.

Меъмон харидорнинг уйига ўз оёғи билан кириб келганини яхшиликка йўйди. Бир бош қорамолни 5,8 миллион сўмга харид қилиш юзасидан Ҳ.Исоқов ўртага ташлаган таклифни оғриниброқ бўлса-да, қабул қилди. Харидор келишилган пулнинг 2 миллион сўмини шу ернинг ўзида санаб берди, 3,8 миллион сўми эса, вақтинчалик насияга айланди. Харидор қолган пулни яқин кунлар ичида келтириб бериш ҳақида шундай “ишонarli” ваъда бердики, эътирозга асло ўрин қолмади. Аммо орадан ҳафта, ойлар ўтса-да, ваъда бажарилмади. Ҳ.Исоқов иши битгач, қорасини ҳам кўрсатмади. О.Бобоев қарзини сўраб, бир неча бор унинг олдида борди. Хайриятки, Ҳ.Исоқов 3,8 миллион сўмнинг 1,7 миллион сўмини берди. Аммо 2,1 миллион сўм яна насиялигича қолди.

Маълумки, фирибгарликка муккасидан кетган кимсалар ўзгаларнинг бойлигини қўлга киритишнинг турфа йўли ва усулларини ўйлаб топишган. Бундай кимсалар бир-икки нафар эмас, балки беш-ўн нафар кишини алдов йўли билан чув тушириши, навбат ваъданинг вафосига етганида эса, турфа баҳона-ю, узроҳликларни рўқач этиши бу қилмишнинг анчайин оммалашган кўриниши ҳисобланади. Уз навбатда, огоҳлик ва ҳушёрликни унутган кишилар фирибгарлар учун яхшигина ўлжа саналади.

Ҳ.Исоқов ҳам шундай йўл тутди. Унинг О.Бобоевни алдаб, қўлга киритган маблағи-

Жиноят ва жазо

ФИРИБГАР «ҚАССОБ»

судда қонуний жазо олди

дан кўнгли тўлмади. Шу боис орадан роппа-роса бир ҳафта ўтгач, қўшни қишлоқда яшайдиган Ш.Оллабергановнинг уйига кириб борди. Қоп-қоп ваъдалар асосида кечган савдо яқинида хонадонда боқилаётган 10 миллион сўмлик новвоснинг ипи “қассоб”нинг қўлига тутқазилди. Ҳ.Исоқов келишган пулнинг 6 миллион сўмини бераркан, қолганини қайтариш учун атиги уч кун муҳлат сўради. Начора, 10 миллионнинг 6 миллионини берган киши қолган 4 миллионини бермай қайта ҳам борарди?! Шундай фикрни хаёлидан ўтказган Ш.Оллаберганов рози эканини билдирди. Аммо воқеалар ўзгача тус олди. Гарданидаги тўлов фарзини уч кун ичида адо этишга сўз берган “қассоб” мол эгасининг олди-га орадан нафақат ўттиз-қирқ кун, балки бир неча ой ўтса-да, қайта келмади. Аксинча, Ш.Оллабергановнинг ўзи уни излашга тушди. Хайриятки, “қассоб” топилди. Аммо пул топилмади. Ҳ.Исоқов қарзини атиги 500 минг сўминигина санаб берди, буни ҳам миннатдорчилик билан эмас, аксинча, юз миннат билан берди. “Қолганини кейин оласиз”, деди. Бироқ шу қўйи қайта қорасини кўрсатмади, телефон қўнғироқларига ҳам жавоб бермай қўйди.

Шундан сўнг у туманинг Ших қишлоғида яшайдиган С.Машариповнинг хонадонда пайдо бўлиб, қорамол харид қилиш учун келганини айтди. Мол эгаси ҳам савдога розилик савдодан сўнг молнинг баҳоси 7 миллион сўмга келишиди. “Қассоб” эски одатини қанда қилмади. Келишилган пулнинг



4,5 миллион сўмини шу ернинг ўзидаёқ санаб бергач, “Энди бу ёғига кутиб турасиз, пулнинг қолганини 20 кун ичида оласиз”, деди ишонarli оҳангда. Мол эгаси рози бўлди, аммо Ҳ.Исоқов ўз билганидан қолмади. Орадан анча вақт ўтса-да, 2,5 миллион сўмдан ҳам, “қассоб”дан ҳам дом-дарак бўлмади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас — фирибгар Ҳ.Исоқов алдов йўли билан О.Иватовни 9,8 миллион сўм, М.Жонибековни 2,7 миллион сўм, Б.Абдуллаевни 1,2 миллион сўм, У.Маткаримовни 2 миллион сўм, Э.Абдиевни 1,2 миллион сўм, М.Сатторовни 3 миллион сўм, О.Холбоевни 1 миллион сўмга чув туширган. Фирибгар “қассоб”га алданганлар берилган ваъдалар унут бўлгач, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага ариза билан мурожаат этишди. Охир-оқибат бир варақайига 10 нафар фуқарони нақд 25 миллион сўмга чув туширган Ҳ.Исоқовнинг ўзи ҳам қилмишнинг оқибатини ўйлаб ҳушёр тортиди. Бу ҳол унинг фирибгарлик ҳаракати жиноят ишлари буйича биринчи босқич суди тарафидан ба-тафсил муҳокама қилиниб, унга нисбатан 3 йил-у 6 ой муддатга

озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлангач, рўй берди. Аслида унга нисбатан бирмунча оғирроқ жазо ҳам тайинланиши мумкин эди. Чунки айбланувчи 2021 йилнинг 2 февралда Жиноят кодексининг гиёҳвандликка доир 276-моддаси буйича 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишларига жалб этилганини ҳам эслатиб ўтиш керак. Гап шундаки, судланувчи фирибгарликка, судланувчи фирибгарликка ана шу жазони ўтаётган пайтда қўл урган. Суд Ҳ.Исоқовнинг фирибгарликка оид қилмиши тергов органи томонидан Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан тўғри малакаланган деб топди ва қўлланилиши зарур бўлган асосий жазога ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўтказилган 1 йилу 10 ойдан иборат муддатини ҳам қисман қўшди.

Буни қарангки, суднинг ҳукми ўқилгач, маҳкумнинг сўйир кўзи бирдан очилди. Шу боис у қариндошлари кўмағида айбини ювишга киришди. Озодликдан мосуво тарзда ўтган бир неча ҳафта мобайнида ўзининг алдовга учиб, молини қўшқўллаб тутқазган О.Бобоев, Ш.Оллаберганов, С.Машари-

пов, О.Иватов, М.Жонибеков, Б.Абдуллаев, У.Маткаримов, Э.Абдиев, М.Сатторов, О.Холбоевлардан олган қарзини тўлиқ узди. Маҳкум бу борадаги мажбуриятини адо этгани, етказилган зарарни тўлиқ қоплаганини жабрланувчилар ҳам эътироф этишди. Шундан сўнг маҳкум Хоразм вилояти судининг жиноят ишлари буйича судлов ҳайъатига апелляция аризаси билан мурожаат қилди. Апелляция инстанцияси жиноят ишини атрофлича ўрганиб чиқди. Жабрланувчи сифатида кўрсатма берган фуқаролар Жиноят нисбатан сўнг даявоси йўқ эканини билдиришди. Қонунчилигимизда ифодасини топган адолат тамойили бу жараёнда яна намоеён бўлди. Маҳкум етказилган зарарни тўлиқ адо этгани тан олинди. Дастлабки босқич суди ишни Жиноят кодексининг айбланувчинини жазолашни назарда тутувчи 168-моддаси 3-қисми буйича қўриб чиққан бўлса, апелляция босқичи учун молданинг жазони истисно этувчи 5-қисми асосида муҳокама этиб, ўз ажримини эълон қилди. Бинобарин, қонуннинг ушбу бандида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган ҳолда шахсга нисбатан озодликдан маҳрум этиш жазосини қўллалмаслик назарда тутилган.

Етказилган зарарнинг тўлиқ бартараф қилингани озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган Ҳ.Исоқовни оиласи бағрига қайтариш учун жиддий асос бўлди. Маҳкум суд залидан озодликка чиқарилди. Ҳозирда у озодликни чеклаб жазосини ўтамоқда.

Ҳа, бу унга қилмишидан тегишли хулоса чиқариш, ҳаётда тўғри йўлни топиш учун берилган имкониятдир. Бу имкониятдан у қандай фойдаланишини эса, вақт кўрсатади.

Абдулла СОБИРОВ,
“Куч - адолатда” муҳбири

Куч — адолатда

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам билан
рўйхатдан ўтган.



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бахтиёр ИСЛАМОВ
Робохон МАХМУДОВА
Халилилло ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи:

Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Куч» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилми: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонот
кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: яқна тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: G-145 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 3 босма табоқ.
Сотувада эркин нархда. Адади: 7015
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21⁰⁰. Топширилди: 22⁴⁵.